

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 19 октябрь • № 41 (1218)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли иш-хотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, доридармонлар билан таъминланишга бўлган имкониятларини кенгайтирди, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги яхшилланишига олиб келди.

Ўқир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табobati муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматларига аҳолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқ табobati йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматларда назоратнинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, халқ табobatiнинг замонавий тиббиёт тизимида тугган мақоми ва роли хусусида қатор саволлар юзага келмоқда, хусусан:

биринчидан, халқ табobati хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база яратилмаган, табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланмаган, халқ табobati усуллари билан даволоччи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва ҳавфсизлиги устидан давлат назорати амалга оширилмаяпти;

иккинчидан, халқ табobati усуллари билан тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг миқдорлар соғлиғига зарар етказганлик учун масъулияти белгиланмаган, шунингдек, халқ табobati вакилларининг ҳуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш кафолатланмаган;

учинчидан, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табobati ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиби ва механизми мавжуд эмас;

тўртинчидан, халқ табobati вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи халқ табobati бўйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Халқ табobati фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табobati-нинг усуллари ва ютуқларидан самарали ва ҳавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Куйидагилар белгилансин: халқ табobati аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилади;

халқ табobati усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тиббий фаолиятни

лицензиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно) амалга оширилади;

халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланадилар;

тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табobati усуллари қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган ҳисобланади.

2. Халқ табobati ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагилар эътироф этилсин:

халқ табobati соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тулвчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқиба-ти учун жавобгарлигини белги-лаш;

халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларга қарамадан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида қўйилган вазифаларни тўлиқ бажаришга тўққинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги қайд этилсин.

Жумладан, республикада тез тиббий ёрдам хизматино бешқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш юзасидан қабул қилинган бир нечта қарорларнинг натижалари бугунги кунга қадар сезилмаяпти. Тез тиббий ёрдам қақрувларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш эскича, қўл механизми ёрдамида бажарилмоқда.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида беморларнинг касалко-нага етиб боргунга қадар вафот

этиши кўпайиб бормоқда. Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида эса ўлим сони икки баравардан тўрт бараваргача ошган.

Мурожаатларни саралашнинг амалдаги тартиби мавжуд куч ва воситаларни энг муҳим қақрувларга хизмат кўрсатиш учун йўналтириш имконини бермайди, натижада ёлғон қақрувлар сони ошмоқда ёки сурункали касалликлари авж олган, бироқ ҳаёти ҳавф остида бўлмаган беморларга хизмат кўрсатилмоқда.

Ажратилаётган бюджет маблағлари сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имконини бермаяпти.

Тез тиббий ёрдам хизматино жадал ривожлантириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бу йўналишда тезкор, технологик ва самарали фаолият кўрсатишга эришиш мақсадида:

1. Шошилиш ёрдамга муҳтож хар бир кишига юқори сифатли тиббий хизматларни ўз вақтида кўрсатиш тез тиббий ёрдам хизматиног устувор вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Тез тиббий ёрдам хизматино ривожлантиришга амалий қўмақлашиш ва унинг моддий-техника базасини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

3. Куйидагилар 2019 йил 1 январдан бошлаб Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган маблағларни 29 фоиздан 10 фоизга камайтирган ҳолда, мобил алоқа

хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг 19 фоизи;

халқаро ва хорижий молия институтларининг, ҳуқумат ва ноҳуқумат ташкилотларининг грантлари ва техник қўмақ маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушган даромадлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари; қонун ҳужжатларида тақққланмаган бошқа маблағлар.

Жамғарманинг маблағлари куйидагиларга сарфланиши белгилаб қўйилсин:

тез тиббий ёрдам хизматиног мақсус автотранспортини харид

қилиш ва транспорт паркени ўз вақтида янгилаш, шунингдек, уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материалларни харид қилиш;

тез тиббий ёрдам хизматиног ходимларини ўқитиш, малякасини ошириш ва амалиёт ўташини, шу жумладан, хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш;

тез тиббий ёрдам хизматиног ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш;

тез тиббий ёрдам хизматиног фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда танлаш имкониятини яратиш учун халқ табобатининг кўп йиллик кўникмалари ҳамда амалиётда тасдиқланган ихобию ютуқларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш;

халқ табобати соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш.

3. Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантириш устувор чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Қ. Шодмонов – ушбу Дастурда назарда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини тартибга солиш ва янада ривожлантириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов – ушбу

(Давоми. Боши
1-бетда).

қарор асосида вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларнинг самарали ва лозим даражада бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

республика тиббиёт олий ўқув юртлигининг "Даволаш иши", "Педиатрия иши", "Тиббиёт-педагогика иши" бакалаврият йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ табобати бўйича махсус ўқув циклини жорий этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқ табобати кафедраси ва "Халқ табобати" йўналиши бўйича малака ошириш курсини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ҳафта мuddатда Махсус комиссия таркибини шакллантирсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига халқ табобатини ривожлантириш ва халқ табобати

усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш доирасида:

халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкиллаштириш, шунингдек, ўзбек халқ табобатининг бой тарихий аънавалари ва ноёб меросини ўрганиш, халқ табобати йўналишларини ифодаловчи таниқли ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари юклансин.

бошқа мамлакатларнинг халқ табобатини ифодаловчи таниқли ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2018 йил 15 ноябрга қадар: давлат таълим стандартларининг талаблари асосида халқ табобати бўйича ўқув дастурини; халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишда мунтазам равишда санитария ва гигиена нормативларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

б) 2018 йил 1 декабрга қадар: халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага нисбатан минимал талабларни;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил охирига қадар халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибалари, хизмат кўрсатиш турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни қамраб олган ягона маълумотлар базасини шакллантириши, оммабоп фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтга жойлаштириши, шунингдек, ушбу турдаги ташкилотлар фаолиятини лицензиялаш амалга оширилиши билан базани доимий равишда янгиланиб боришини таъминласин;

г) "Халқ табобати" йўналишини тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритсин;

д) икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕЗ ТИББИЙ ЎРДАМ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тез тиббий ёрдам хизматини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби ва ҳажмлари сақлаб қолинсин.

Жамғарманинг маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳайъати қарори асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Вазирлик белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича махсус автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, тиббиёт ускуналари ва сарфланадиган материаллар, компьютер техникаси, алоқа воситалари, техник ўқитиш воситалари, адабиётлар ва тез тиббий ёрдам хизматиغا зарур бошқа моддий-техника ресурслар учун 2022 йил 1 январгача бўлган мuddатда божхона тўловларидан озод этилсин (божхона йи-

(Давоми. Боши
1-бетда).

гимлари бундан мустасно).

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда:

Жамғарма тўғрисидаги низоми ҳамда Жамғарма даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартибини;

Жамғарманинг 2019 йилга мўлжалланган харажатлар сметасини, шу жумладан, ушбу қарорни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутган ҳолда тасдиқласин.

6. Қуйидагилар:
2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки: тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳолашни ва Вазирликнинг веб-сайтида эълон қилиб борилиши лозим;

баҳолаш натижалари тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш учун асос бўлади, шунингдек, хизмат муассасаларини раҳбар кадрлар билан тўлдирришда ҳисобга олинди.

7. Вазирлик:
Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда – Миллий палата) билан биргаликда икки ой мuddатда Тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг намунавий индикаторларини ҳисобга олган ҳолда тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва "Ўзбекистон ҳаво йўналишлари" МАК билан биргаликда тез тиббий ёрдам хизматини 2020 йилдан бошлаб авиация техникаси билан жиҳозлаш ва (ёки) авиация хизматларини харид қилиш, шу жумладан, дав-

лат-хусусий шериклик асосида харид қилиш бўйича таклифларни 2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

чақирувлар тузилмасидаги тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳажми ва хусусиятидан келиб чиқиб, фельдшерлик бригадалари улушини оширган ҳолда тез тиббий ёрдам хизматини 2019 йил якунига қадар қайта тузиб чиқсин;

икки ой мuddатда республиканинг айрим ҳудудларда тез тиббий ёрдам хизматини бошқариш ҳуқуқини давлат-хусусий шериклиги асосида инвесторларга ўтказиш бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирликнинг Шошилинч тиббий ёрдам ўқув марказини Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази этиб (кейинги ўринларда – Марказ) қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Марказ тиббиёт ходимлари этиб келгунига

қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича базавий методик муассаса ҳисобланади.

9. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

авария-қутқарув хизматлари, давлат органлари ва ташкилотлари, бошқа юридик шахслар ходимларини, шунингдек, фуқароларни шошилинч тиббий ва тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўқитиш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш;

шифохонагача тиббий ёрдам кўрсатиш шакллари ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда тақомиллаштириш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари этиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

шошилинч тиббий ҳамда

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕЗ ТИББИЙ
ЎРДАМ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

тиббий ходимлари етиб келгунинга қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини такомиллаштириш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунинга қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича бошқа муассасаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятида методик ёрдам кўрсатиш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунинга қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида семинар-тренинглар, мастер-класслар, вебинарлар, телекўприklar ташкил этиш ва бу жараёнга етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунинга қадар ёрдам кўрсатиш соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ва ўқув марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ушбу йўналишда грантлар ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш;

10. Оқлатилган вазифалар доирасида Марказга қуйидаги хуқуқлар берилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, давлат тиббиёт ташкилотларидан Марказ ваколатига қирадиган масалалар бўйича зарур ахборотни, статистик ва архив маълумотларини белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиалларни ташкил этиш; давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, бошқа экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни таълим жараёнига шартнома асосида жалб қилиш.

11. Шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунинга қадар ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўқитиладиган курслардан ўтиш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот марказига юбориладиган давлат органлари ва давлат улушига эга бўлган ташкилотлар ходимларининг контингенти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминлаб туриладиган вазирликлар, идора-

лар ва бошқа ташкилотлар ўз ходимларини Марказда ўқитиш учун ҳар йилги бюджетдан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ ва "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ ўз ходимлари ва инструкторларини ўз маблағлари ҳисобидан ҳар йили ўқишга юборсин.

Тез тиббий ёрдам хизмати бригадаларининг ҳайдовчилари Марказда шошилинч тиббий ҳамда тиббиёт ходимлари етиб келгунинга қадар ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўқитиладиган курслардан Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўтиши белгиланган бўлисин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Вазирлик билан биргаликда Марказдаги таълим жараёни, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати устидан мунтазам назорат ва мониторинг ўрнатсин.

14. Вазирлик Тошкент вилояти ҳокимлиги ва "Чорвоқ" эркин туристик зонаси дирекцияси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар "Чорвоқ" эркин туристик зонаси ҳудудига тез тиббий ёрдам хизмати парамедиклари фаолиятини ташкил этиш бўйича куйидагиларни назарда тутган синов лойиҳасини амалга оширсин:

парамедиклар томонидан фуқароларга кеча-кундуз узлуксиз юқори малакали тез тиббий ёрдам кўрсатиш;

тез тиббий ёрдам хизматининг аҳолига имкон қадар яқинлаштирилишини ҳисобга олиб, парамедиклар кучларини мувофиқлаштирилган ҳолда жойлаштириш ва бошқаришининг самарали механизмини жорий этиш;

фуқароларнинг ёки ички ишлар, фавқулодда вазиятлар органларининг тегишли хизматлари, давлат органлари ва ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қақирувлари бўйича воқеа жойига тез етиб келишини таъминлаш;

тез тиббий ёрдам хизматининг бошқа бригадалари билан оператив ҳамкорлик қилиш механизминини жорий этган ҳолда фуқаролар ва туристлар тўпланидиган жойларда парамедиклар патрулли қатновларини йўлга қўйиш.

15. Вазирлик: 2019 йил 1 февралга қадар па-

рамедиклар томонидан тез тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини ишлаб чиқин ва тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелга қадар Марказда зарур миқдордаги фельдшерларни парамедиклар ихтисослигига ўқитишни, шу жумладан, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги етук хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитишни таъминласин;

2019 йил якуни бўйича тез тиббий ёрдам хизматида парамедиклар фаолиятини кенгайтириш бўйича асосланган тақдирларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида тез тиббий ёрдам бошқармасининг қуйидаги имкониятларга эга автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда – автоматлаштирилган тизим) яратсин ва фойдаланишга топширсин:

аҳолининг қақирувларини қабул қилиш ва рўйхатга олиш, устунлик тартибига хизмат кўрсатиш лозим бўлган қақирувларни автоматик белгилаш;

махсус автотранспорт ҳаракатини бошқариш, шу жумладан, GPS-навигациядан фойдаланган ҳолда, кейинчалик босқичма-босқич рақамли радиоалоқага ўтиш орқали автотранспорт ҳаракатини мониторинг қилиш;

тез тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахслар жойлашган жойни телефон (мобиль) алоқаси орқали автоматик аниқлаш;

тез тиббий ёрдам ёрдам бригадаларини мобиль иловалар ёрдамида, шу жумладан, имкониятлари чекланган шахслар учун қақирви;

фойдаланиладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларни шошилинч хизматларининг ахборот тизимлари билан бирлаштириш; фуқаролар томонидан тез тиббий ёрдам станцияларини фаолият самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг рейтингини юритиш.

б) Тез тиббий ёрдам хизмати станцияларининг Call-марказларини нормативларга мувофиқ тўлиқ жиҳозлаш учун 2018 йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бую-

жетлари маблағлари ҳисобидан қўшимча телефон линиялари (рақамлари) ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки: автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва унга хизмат кўрсатиш, техник қўллаб-қувватлаш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Вазирликка оқлатилсин;

автоматлаштирилган тизимнинг техник ва лойиҳаолди ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тайёрланади;

ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 16 мартдаги ПК-2838-сон қароридан белгиланган ҳажмлар ва манбаларга молиялаштирилади.

Вазирлик Жамғарма маблағлари ҳисобидан автоматлаштирилган тизимни фойдаланишга топшириш назарда тутилган муддатларда ички локал-ҳисоблаш тармоқлари яратилишини ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати бўлиmlарини зарур ускуналар ва анжумлар, шу жумладан, GPS-навигаторлар ва алоқа воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда (ёки) унинг худудий бўлиmlари буюртманомалари бўйича тез тиббий ёрдам хизмати станцияларининг Call-марказларини телефон линиялари (рақамлари) билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

17. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Қ. Шодмонов – тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, махсус автотранспорт харид қилиш ва транспорт паркинги ўз вақтида янгилаш, шунингдек, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

(Давоми. Боши

1-бетда).

ТЕЗ ТИББИЙ ЎРДАМГА АВИАЦИЯ ТЕХНИКАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бир қатор давлат идораларига тез тиббий ёрдам хизмати 2020 йилдан бошлаб авиация техникаси билан жиҳозлаш ва (ёки) авиация хизматларини харид қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида харид қилиш бўйича 2019 йил 1 мартга қадар тақлифларни бериш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича махсус автотранспорт воситалари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, тиббиёт ускуналари ва сарфланадиган материал-

лар, компьютер техникаси, алоқа воситалари, техник ўқитиш воситалари, адабиётлар ва тез тиббий ёрдам хизматига зарур бошқа моддий-техника ресурслар учун 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан озод этилади (божхона йиғимла-

ри бундан мустасно).

Бу каби вазифалар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизмати такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланди.

Мазкур қарор асосида 2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизмати такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури, тез тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини баҳо-

лашнинг намунавий индикаторлари тасдиқланди.

Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳолашни ва Вазирликнинг веб-сайтида эълон қилиб борилади. Бу жамоатчилик назоратини ўрнатish ва сайх-ҳаракатларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, соҳани баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Қақирувлар тузилмасидан, тез тиббий ёрдам бригадалари томо-

нидан кўрсатиладиган ёрдам ҳажми ва хусусиятидан келиб чиқиб, фельдшерлик бригадалари улушини оширган ҳолда тез тиббий ёрдам хизматини 2019 йил якунига қадар қайта тузиб чиқилади.

Эндиликда республиканинг айрим ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам хизматини бошқариш ҳуқуқини давлат-хусусий шериклиги асосида инвесторларга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

ЎЗА.

21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

ДАВЛАТ ТИЛИ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ, ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Она тили – бу миллатнинг руҳидир. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуinning қабул қилиниши тилимизнинг мавқеини янада оширишга, унинг янада бойиши ва такомиллашувига хизмат қилмоқда. Жаники эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Бу йил Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганига 29 йил тўлди.

Эътироф этиш жоизки, дунёда уч мингдан зиёд тил мавжуд бўлиб, шундан атиги 200 дан ортиги давлат тили мақоми олган. Улар қаторида ўзбек тилининг борлиги эса ҳар биримизни ғурурантиради. Юртимиз тарихида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик йилларида қўйилган дастлабки қадам бўлди, десак асло муболагаси йўқ. Албатта, она тилимизнинг бундай мақомга эришиши катта ижтимоий воқелик ҳисобланади. Чунки, унга қадар ўзбек тили шунчаки маҳаллий тил даражасида тор доирада қўлланилган. Қонун қабул қилинган, унинг ҳаёда тутган ўрни кучайди. Иш ҳужжатларини юритиш, таълим-тарбия жараёни ўзбек тилида олиб борила бошланди. Кўча номлари, хиббон ва географик объектларнинг номлари ўзбекчалаштирилди. Ай-

ниқса, тилимизнинг луғат таркиби йилдан-йилга янги сўз ва атамалар билан бойиб бораёпти. Эътиборлиси, айрим сўз ва терминлар бошқа халқлар тилида ҳам ўзбекча янграмоқда. Албатта, илм-фан тараққиёти, жамият ривожини тилда ҳам ўз аксини топади. Масалан, кейинги пайтларда ахборот ва компьютер технологияларининг кундалик турмушимиздан кенг ўрин олиши муносабати билан ўзбек тилшунослигида янги имкониятлар юзга келмоқда. Ҳатто компьютер дастурларини ўзбеклаштириш борасида ютуқлар кўлга киритилмоқда. Бугунги кунга келиб ўзбек тилининг мавқеи, қўлланиш доираси, нуфузи тамомила ўзгарди. Ўзининг барча имкониятларини кўрсатди. Унинг лексик бойлигини кўрсатиб бериш ва бошқа томонларини очиб бериш борасида кўндан-кўн илмий ишлар қилинмоқда. Шулардан биттаси, ўзбек

тили изоҳли луғатининг яратилишидир. Аслида ҳар бир тилининг ривожланиши унинг лексикасига боғлиқ. Мустақилликка эришгандан кейин, янги ижтимоий муносабатлар, умуман, барча жабҳадаги ўзгаришлар тилга ҳам катта таъсир ўтказди. Буларни кўрсатиш, тадқиқ қилиш тилшунослар олдида турган катта вазифа эди. Шунинг учун ҳам қонун ижросини таъминлаш борасида дастур қабул қилинган ва шу дастурда ўзбек тилининг изоҳли луғатини яратиш вазифаси қўйилган. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабий институт олимлари томонидан муносиб равишда бажарилди. Луғатнинг яратилиши давлат тили ҳақидаги қонун ижросининг жиддий тарзда бажарилаётганини кўрсатиб беради. Ундан кейин жуда кўплай иш юритиш бўйича китоблар яратилди. Дарслик ва қўлланмалар ёзилди. Таълим муассасаларида давлат тили бўйича иш юритишнинг муайян босқичи яратилди, десак муболага бўлмайди.

Тилнинг эгаси – халқ. Тил да-

ҳоси шу қадар буюк ва қудратлики, унинг ривожига қатъий қонуният бор, уни ҳеч ким буза олмайди. Тилшунос ёки бошқа бир доно ундаги мавжуд қонуниятларни очиши, темир қоидаларнинг мағзини холисона чақиб бериши мумкин. Тил ва тил бойлиги ҳақида ўз фикрига эга бўлиш, унинг тақдирини ва келажаги ҳақида, ривожланиши масалаларида ғамхўрлик қилиш касбга боғлиқ эмас. Миллий ғурур тушунчасини шакллантирган кишигина ўз халқининг маданий-маънавий сависини, ғурури ва тақдирига бефарқ бўлолмайди. Демак, давлат тили том маънода шу миллат руҳининг инъикосидир. Тил ва тил бойлиги инсонлар орасида мулоқот воситасигина бўлиб қолмасдан, балки шу миллатнинг тараққиёт белгисидир. Миллат руҳи мазкур даврдаги тараққиёт савиясига мос равишда маданий-маънавий бойлиқлар яратади. Тилдаги нозик туйғулار, оҳанглари унинг ер минтақасида истиқомат қилаётган жойига ҳам бевосита боғлиқ.

Бинобарин, миллатимизнинг бебаҳо бойлиги, хурлигимиз тимсолларидан бири бўлган давлат тилини бузиб қўллашга, тилимиздаги иборалар маъносини англамасдан, уларни кўр-кўрона ишлатишга ҳаққимиз йўқлигини доимо ёдда тутишимиз зарур.

Намоз ТОЛИПОВ.

Анжуман

ЮҚУМЛИ БЎЛМАГАН КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

Жорий йилнинг 12 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш: инвестициялар киритиш фойдалигига далиллар» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва диагностика қилиш, аҳолининг юқори технологияли тиббий ёрдамга бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайтирилиб, ўзаро тажриба алмашилмоқда.

Халқаро ташкилотлар ҳамда тиббиёт ривожланган давлатлар вакиллари, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари иштирок этган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шадманов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Леанна Куппенс, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Хелена Фрейзер, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев сўзга чиқиб, мазкур йўналишлар бўйича ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳусусида тўхталишди. Жумладан, юрак қон-томир, саратон, қандли диабет, таянч ҳаракатлиши тизими касалликлари юқумсиз хасталиклар ҳисобланиб, улар йиллар давомида ортирилиши, бугунги кунда юқумли бўлмаган

касалликлар дунё бўйича глобал муаммага айланиб, инсонлар саломатлигига жиддий ҳавф солаётгани, уни бартараф этишда замонавий усулларни амалиётга татбиқ этиш зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

Алишер ШАДМАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
– Айтиш керакки, мамлакатимизда барча соҳалар қатори,



тиббиётда ҳам олиб борилаётган ишлар ҳусусида тўхталишди. Жумладан, юрак қон-томир, саратон, қандли диабет, таянч ҳаракатлиши тизими касалликлари юқумсиз хасталиклар ҳисобланиб, улар йиллар давомида ортирилиши, бугунги кунда юқумли бўлмаган

она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар, шунингдек, атроф-муҳит зарарланиши оқибатида юзага келувчи хасталикларга қарши кураш, аҳолини тиббий хизмат билан қамраб олиш, хавфсиз, самарали ва сифатли дори воситалари ҳамда вакциналар билан таъминлаш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Албатта, бу борада мутахассислар малакаси оширилиб, жаҳон тажрибаси ўрганилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам юрак қон-томир, саратон, қандли диабет каби юқумли бўлмаган касалликлар эпидемияси жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга



лактикаси, олдини олиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш борасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, таҳлиллар юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодий ривожини ва аҳоли саломатлиги учун катта хавф туғдиришини кўрсатмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ Тараққиёт дастури мутахассислари юқумли бўлмаган касалликлар туфайли юзага келадиган иқтисодий йўқотишлар ҳар йили 9,3 триллион сўмни ва бу мамлакат яли ички маҳсулотининг 4,7 фоизини ташкил қилиши тўғрисидаги маълумотни ўз тақдимотларида келтиришди.

Леанна КУППЕНС, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:
– Аввало, ташкилотимиз юқумли бўлмаган касалликлар юқини камайтириш учун ҳаққоний маълумотларга асослан-

ган, иқтисодий жиҳатдан самардор ва амалга оширишга бўладиган чораларни аниқлаб берганини таъкидламоқчиман. Энг яхши ҳаридлар таркибига кирадиган тамакига қарши курашиш, тузун истеъмол қилишни қисқартириш, ширин ичимликлар савдосига солиқ солиш, соғлом овқатланиш ҳамда жисмоний фаоллик тарғиботини кенг йўлга қўйиш дунё аҳолисининг юқумли бўлмаган касалликларга чалинган инсоннинг олдини олишга хизмат қилади. Мамлакатимизда бундай касалликлар профилактикасига йўналтирилган чора-тадбирлар нисбатан арзон ва иқтисодий жиҳатдан фойда келтиради. Уларни амалга оширишда тиббиёт ташкилотларидан ташқари молия, иқтисодиёт ва савдосотиқ секторларини жалб қилиш лозим. Ушбу жараёнда инвестициялар киритишдан

(Давоми 5-бетда).

Анжуман

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси Хорижлик мутахассислар нигоҳида

кўриладиган фойда нафақат жамият, балки давлат учун ҳам яхши самара беради. Яъни, иқтисодий моделлаштириш натижаларига мувофиқ, тамаки маҳсулотларига солинадиган солиқлар миқдори ва аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чоралари инвестициялар унуми сезиларли даражада кўпайишига хизмат қилади.

Мутахассислар ўз маърузаларида юқумли бўлмаган ка-

саликлар профилактикасига доир ўз фикрлари билан ўртоқлашишди. Жумладан, таъкидланганидек, юқумли бўлмаган касалликларни инвестициялар жиҳатдан асослаш инвестициялар рентабеллигини таҳлил қилишни ўз



салликлар профилактикасига доир ўз фикрлари билан ўртоқлашишди. Жумладан, таъкидланганидек, юқумли бўлмаган касалликларни инвестициялар жиҳатдан асослаш инвестициялар рентабеллигини таҳлил қилишни ўз

(Давоми. Боши 4-бетда).

аралашув ҳисобланади. Туз миқдорини камайтириш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари рецептларини қайта кўриб чиқиш, маҳсулот ўрамининг устига маркировкасини тушириш ва хабардорликни ошириш каби ишларни йўлга қўйиш зарур. Сабаби, туз истеъмолини камайтириш аҳолида артериал босимини пасайтиришга таъсир

кўрсатади ва шу йўсинда юрак қон-томир касалликларни камайтиришга олиб келади. Амалдаги қонунчилики амалиётда қўллаш йўли билан тамакини истеъмол қилишни қисқартириш ва аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш ҳам инвестициялар унумини юқори даражада таъминлаб беради.

– Мазкур анжуманда юқумсиз хасталикларнинг аҳоли саломатлиги учун аҳамияти ва уларнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар кўриб чиқилди, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш вазирлигининг овқатланиш муомалалари бўйича буюм мутахассиси, Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилотининг овқатланиш муомалалари бўйича миллий координатори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Анатолий Худойберганов.** – Сабаби, бугунги кунда ушбу мавзу нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ер юзи учун глобал бўлиб қолмоқда. Шу ўринда савол туғилади, хўш, нега юқумли бўлмаган касалликлар? Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, юрак қон-томир, қандли диабет, буйрак, жигар касалликлари, камқонлик ва семириш кейинги йилларда ўлим ҳолатларига олиб келяпти. Жаҳон Соглиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, агар мазкур муаммолар жадал суратларда ҳал қилинмаса 2020 йилга бориб бу барча хасталикларнинг 60 фоизини ташкил қилиши мумкин. Яъни ҳамма давлат-



лар учун жуда катта иқтисодий муаммога айланиб қолади. Лекин бунинг олдини олиш мумкин. Ушбу касалликларнинг сабаби нафақат озиқ-овқатлар, балки жисмоний фаоллик билан ҳам боғлиқдир. Бугунги анжуманда барча тегишли вазирлик идоралар мутасаддилари билан бу борада баҳс-мунозара ўтказилиб, аниқ режалар тузиб олинди.

Шунингдек, анжуманда юқум-

ли бўлмаган касалликларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, мамлакатимизда юқумсиз хасталиклар профилактикаси ва уларга қарши курашишда инвестициялар киритиш фойдалари ҳақида батафсил фикр алмашилди. Ушбу жараёнда ижтимоий ва жамоат ташкилотларининг фаоллиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Улоса қилиб айтганда, юқумли бўлмаган касалликлар бутун дунёда долзарб муаммога айланиб улгурган. Бунинг олдини олишда эса, энг аввало, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳар қандай касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Мазкур анжуман соглиқни сақлаш соҳасининг етакчилари, халқаро мутахассисларнинг ана шу мақсадлар сари ҳамкорликда иш олиб боришига замин яратди, десак муболаға бўлмайди.

Жонибек МАЪРУПОВ.
Муаллиф олган суратлар.

Съезд

СОҲА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХАЛҚАРО МУҲОКАМАСИ

Жорий йилнинг 15-16 октябрь кунлари “Урология касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологиялар” мавзусида Ўзбекистон урологларининг V съезди бўлиб ўтди. Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ташкил қилинган анжуманда дунёнинг 10 га яқин давлатидан 40 нафардан зиёд хорижий мутахассислар иштирок этди.

Тадбир аввалида Соглиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Абдуҳаким Хаджибаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, сўнгги йилларда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва уларнинг мазмун ҳоҳиятига тўхталиб ўтди. Шунингдек, мазкур жараёнларнинг урология соҳасига ҳам бевосита алоқадорлиги ҳамда ихтисослашган тиббий хизматини аҳолига янада яқинлаштириш бўйича ушбу марказ томонидан олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари, юқори малакали мутахассисларга эга. Марказ аҳолига мамлакатимизда такомиллаштирилган энг замонавий технология-

лар асосида деярли барча турдаги тиббий хизмат кўрсатмоқда. Марказда урологик хасталикларнинг тахисиси ва даволашнинг энг илгор стандартлари жорий қилинган. Айни пайтда муассасада барча турдаги эндоскопик, ретроперитонеоскопик ва лапароскопик усуллардан ташқари, сийдик тош касаллигини даво-



лашда кам шикаст етказадиган операциялар бажарилаётганлиги боис, очик турдаги жаррохлик амалиётлари 15 фоизгача қисқарди, бу эса дунёнинг етакчи

клиникалари кўрсаткичлари билан тенглаша оладиган натижадир. Замон тараққиёти билан такомиллашиб бораётган марказ фаолиятида беморларга юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий, консултиватив ва ташкилий-услубий ёрдам кўрастилмоқда. Эътиборлиси, мамлакатимиз аҳолиси билан бир қаторда, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва давлат фуқароларига ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Айниқса, ўтган йиллар давомида марказ фаолиятини аҳолига яқинлаштириш мақсадида республика-и ҳудудларида мазкур тиб-



этирофга моликдир. Айтиш жоизки, соҳада меъорий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, малакали тиббиёт ходимларига бўлган эътиборни қоплаш мақсадида марказ ходимларининг етакчи хорижий клиникаларида тажрибаларини ошириши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида биргина ўтган 2017 йил мобайнида 30 минг нафардан ортик беморга урологик тиббий ёрдам кўрсатилиб, 9 мингга яқин жаррохлик амалиёти муваффақиятли бажарилди. Аҳамиятlisi, ушбу операцияларнинг 70 фоиздан ортиги юқори технология амалиёт ҳисобланади.

Мамлакатимиз соҳа мутахассисларининг фикрича, ушбу соҳада тараққиётида таркибида урология мактаблари ташкил қилинган Европа урологлар жамиятининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мазкур съезд доирасида Европанинг етакчи урологлари томонидан мамлакатимиз ёш урологлари учун семинарлар, маҳорат дарслари ташкил этилди. Тадбирда шунингдек, АҚШ, Германия, Швеция, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган соҳа мутахассислари, профессор-олимлари билан кенг доирада тажриба алмашилди. **Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**

Соғлом аёл ойлиги

Наманган вилояти

ЭРТАСИНИ ҲАМ ҲАМ ҲАМ ЭЛ КАМ БЎЛМАЙДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган эътибор натижасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, касалликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини кучайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини олиб бориш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 549-сонли буйруғига асосан жорий йилнинг 17 сентябрдан 20 октябрга қадар жойларда кенг кўламли ўтказилган «Соғлом аёл ойлиги» доирасидаги тиббий кўриклар бу борадаги фикримизнинг амалдаги ифодасидир.

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан мазкур ойлик доирасида 60 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиши кўзда тутилган. Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 10-сонли оилавий поликлиникада ҳам ушбу жараён юксак даражада олиб борилмоқда. Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари ҳар куни «Маданий маориф», «Янги қурилиш», «Якка сада», «Янги ҳаёт», «Баркамол авлод», «Якка тут», «Олтишо», «Саннат», «Гузар», «Обжувоз», «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли хизматиди.


Мазкур муассасада ҳудуддаги барча оилаларнинг аъзолари тўлиқ ҳисобга олинган. Унга кўра, ҳозирги кунда бу ерда 14 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёллар рўйхати шакллантирилган. Поликлиникада «Соғлом аёл ойлиги» доирасида фаолият бошлаган «Фитнес» саломатлик клуби айнан ҳудуд аёлларининг ораси эди. Бугун кўп қабатли хотин-қизлар ўз саломатликларини янада мустаҳкамлаш, турли хасталиқлардан бутунлай фориғ бўлиш истигадани унинг доимий аъзоларига айланишган. Бу ерда турли бадан тарбия машқлари, шифобахш дамиламалар, соғлом турмуш тарзига оид қизиқарли маълумотлардан баҳраманд бўлиш мумкин.

Менга янги очилган аёллар фитнес клуби жудаям ёқди, — деди суҳбатга қўшилган **Насиб Насимова**. — Бир неча кундан буён ортиқча вазндан халос бўлиш истигадани қатнашман. Мутахассис Муқаддас Мамаджонованинг бадан тарбия машқларидан кейин ўзимни янада яхши ҳис қилмоқдаман.

Муассасада ўтказилаётган тиббий кўриклар шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасининг тор мутахассислари томонидан олиб бориляпти. Терапевт Хайринса Абдулаева, ЛОР врач Абдурасул Тўхтасинов, окулист Юлдуз Дадаханова, невропатолог

Анвар Каримов, хирург Абдулазиз Норматов, акушер-гинеколог Сайёра Нурматоваларни қизғин иш устида учратдик.

— Синглимни ёнимга олиб кўриқка келдим, — деди **Мухайё**



Ҳожиёва. — Менда бироз камқонлик аниқланди. Шифокор-терапевт тавсия қилган муолажаларни ўз вақтида олишга ҳаракат қиламан.

— Келинларим билан бирга тиббий кўриқдан ўтйапмиз, — деди **Ҳикматой Мансурова**. — Улар соғлом бўлсагина оилामизда соғлом набиралар туғилади. Шунинг учун эринмасдан ҳар бир шифокор қабулига кирдик. УТТ, ЭКГ аппаратларига ҳам тушдик.

Тиббий кўриқлар чоғида соғлом турмуш тарзи тарғиботига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Мутахассислар томонидан ҳомиладорлик пайтида юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигига тааллуқли фойдали маслаҳатлару керакли тавсияларгача бериб борилмоқда.

— Ҳозиргача 12 мингдан ошқ аёлларни тиббий кўриқдан ўтказдик, — деди **поликлиника бош врач вазифасини вақтинча бажарувчи Гулчехра Меҳмононова**. — Ту-

ғишга монёелиги бўлган аёллар вақтинча, улар соғайгунга қадар замонавий контрацептив воситалар билан таъминланяпти. Ҳомиладор аёлларда хасталик аниқланган тақдирда, уларни зудлик билан шифохоналарда даволаниш чоралари кўриляпти.

— Биз тиббиёт ходимлари инсонлар саломатлиги учун масъул эканмиз, тиббий кўрикларни белгиланган вақтларда талаб даражасида амалга ошириб бораверамиз, — деди **Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлигининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Раҳ-**



да ўзгариб кетди. Лойиҳа талаблари асосида олиб борилган таъмирлаш ва пардозлаш ишлари ниҳоясида қошоналарга қиёслаулик қиёфага кирди. Энди бу ерда соғлиқни сақлашга йўналтирилган савий ҳаракатларни янада кучайтиришимиз, шу билан бирга, фуқаролар тиббий маданиятини юксалтириш учун астойдил интилишимиз зарурлигини ҳис этмоқдамиз.

Дарҳақиқат, Инвестиция дастурига мувофиқ мазкур оилавий поликлиника биносининг қайта реконструкция қилиш учун давлат бюджетидан 1 миллиард 202 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланди. «Уйчи таълим-таъмир» масъулияти чекланган жамияти бинокорларининг меҳнатлари эвазига икки қаватли тиббиёт маскани замонавий андозалар асосида таъмирдан чиқарилди. Унда 59 та хона мавжуд бўлиб, қишлоқ саломатлик посбоналарининг элдарида дармон бўлишга қаратилган фаолиятлари самарали кечиши учун барча қулайликлар муҳайёдир.

Янги тиббиёт масканининг тақдироти мамлакатимизда қизғин давом этаётган «Соғлом аёл ойлиги» тадбирларига уланиб кетди. Шу бос, оила поликлиникасини очилган кундан бери қишлоқ хотин-қизлари билан гавжум. Айни пайтда биринчи навбатда туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Умумий амалиёт шифокорлари, жарроҳ, педиатр, акушер-гинеколог, стоматолог кўрувлари, ультратовуш текшируви, лаборатория таҳлиллари орқали аҳолининг мазкур қатлами саломатлиги ҳолати ўрганиб чиқилляпти.

Олий тоифали стоматолог Баҳриддин Нуриддиновнинг қабулига келганлар ҳам кўпчилик эди. Шифокор Дилфуза Абдужабборованинг ҳолатини кўриб чиқар экан, соғлом тиллар саломатлик гарови эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Зарур тавсияларни берди.

Катта ҳамшира Машхура Абдурахимова хонасида ҳамширалар Дилрабо Абдужабборова ва Азиза Жўрабоевалар билан «Соғлом аёл ойлиги» доирасидаги ишларнинг боришини муҳокама қилинмоқда. Ўрта тиббиёт ходимлари келгуси кунги режага мувофиқ яна 67 нафар туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқка жалб этиш масаласини келишиб олишди.

— Бу хайрли ва шарафли иш Қўшандагина эмас, кўп тармоқли марказий поликлиникада, 51, 53-сонли оилавий поликлиникаларда, «Мучум», «Богистон», «Айқирон», «Арбағиш» қишлоқ врачлик пунктларида ҳам жадал бормоқда, — деди **туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги Зулфия Мамаджонова**. — Тиббий кўриқлардан ташқари маҳалла фаоллари билан хилма-хил тадбирлар ташкил этиб, опа-сингилларимизда соғлом ва фаровон ҳаёт кечириш кўникмаларини шакллантиришга уруғ беряпмиз. «Соғлом она - соғлом бола» эзгу ғояси амалда чинакам ифодасини топишига эришиш бош мақсадимиздир.

Жараёнга пухта тайёргарлик қўрилган, оилка жалб этилганларнинг ўз вазифаларига юксак масъулият билан ёндашаётганликлари самарасида муҳим вазифалар ижроси тўлиқ таъминланмоқда.

Абдулла ҲОЗИЕВ,
Манзура ЭРГАШЕВА.

Соғлом аёл ойлиги

Хоразм вилояти

Таъкидлаш керакки, ўсмир қизлар ва фертил ёшдаги аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш мақсад қилинган мазкур ижтимоий тадбир Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳам уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Эътиборли жиҳати, ҳудудда истиқомат қилувчи хотин-қизлар учун ташкил этилган тиббий кўрикларни сифатли ўтказилишида нафақат шифокор ва ҳамширалар, балки кўриқка жалб қилинган аёллар ҳам масъулият билан иштирок этмоқда. Бундан кўринадики, соғлиқни сақлаш тизимидаги эзгу мақсадлар сари йўналтирилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда, яъни фуқароларнинг ҳам саломатлигига бўлган эътибори ортиб, тиббий маданияти сезиларли даражада юксалмоқда. Жойларда ўтказилган тадбир-

ларнинг тахлили тафсилотлари билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари билан суҳбатда бўлдик.

Қудрат ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиги:

— Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан ўтказилаётган «Соғлом аёл ойлиги» доирасидаги тиббий кўриқларга асосан фертил ёшдаги аёллар ва ўсмир қизлар қамраб олинмоқда. Тадбирларнинг самара-

дорлигини таъминлаш, аниқ режалар тартибда тизимли ўтказишга ҳар жиҳатдан эътибор қаратилди. Биринчи навбатда умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамшираларга ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги туғруқ ёшида бўлган аёлларни қайта хатловдан ўтказиш, кўриқларга тўлақонли қамраб олиш вазифаси юклатилди. Тиббий кўриқларга қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникалари, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоят шифохоналари мутахассислари жалб этилди. Бундан ташқари, лаборатория таҳлиллари, ЭКГ ва УТТ текширувлари ўтказилиши учун зарурий барча шарт-шароитлар яратилди, тажрибали акушер-гинекологлар бириктирилди.



Шунингдек, Қўшма қарор ижросида жойларда фаолияти йўлга қўйилган «Саломатлик мактаби» аъзолари ҳам фаол иштирок

эди. Улар кўмагида мактаб, коллеж, лицейларда тиббий кўриқ ва соғломлаштириш

(Давоми 7-бетда).

ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН ЭЛ КАМ БЎЛМАЙДИ

акциялари ташкил қилиниб, аёллар ўртасида репродуктив саломатлик, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, бехатар оналик, ўсмир қизлар ўртасида учрайдиган тиббий муаммоларни бартараф этиш борасида мулоқот ва суҳбатлар уюштирилди. Шунинг ҳам айтиш керакки, режага мувофиқ вилоят ҳудудида рўйхати шакллантирилган фертил ёшдаги аёлларнинг юз мингдан орттиқ нафарини тиббий кўриқдан ўтказилди.

Сир эмаски, ўсмир қизларни оналикка тайёрлаш, шу жумладан, туғиш ёшидаги аёлларнинг

– Туғилажак ҳар бир фарзанд саломатлиги, аввало, она соғлиги билан бевосита боғлиқ масала, – дейди Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси бош гинекологи Меҳрибон Валисова. – Шу маънода давлатимиз томонидан оналар ва болалар саломатлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқ, деб ҳисоблайман. Қувонарлиси, аҳоли ҳам мазкур жараёнларга беварқ қараётгани йўқ, Буни тиббиёт муассасаларига бўлаётган мурожаатлар сонидан билиш мумкин. Биламизки, соғлом турмуш тарзи тарбияоти биргина шифокор эмас, кенг жа-

кенг кўламда ўтказилмоқда. Тиббий кўриқлар доирасида туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларда аниқланган касалликлар ва тиббий муаммолар бўйича уларга зарурий тавсиялар ҳамда талаб этилганларига тиббий ёрдам кўрсатилди. Яна бир қисмига туман, шаҳар ва вилоят шифохоналарига белгиланган тартибда йўланмалар тақдим этилди. Умумий ҳисобда жорий йилнинг 15 октябрга қадар туман ҳудудидаги 7 минг нафардан зиёд фертил ёшдаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Дарҳақиқат, вилоят миқёсидаги мазкур ижтимоий тадбир мо-




истагида жойлардаги тиббиёт муассасаларида бўлди ва аҳолининг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

– Маҳалламизга бириктирилган патронаж ҳамшираси уймау-уй юриб, барча хонадонлардаги аёллар ва ўсмир қизларни тиббий кўриқда фаол иштирок этишга чақирди, – дейди тиббий кўрик иштирокчиси Жамила Сапарбоева. – Қизим яқинда 18 ёшни қаршилади. Эътибор берсам заруратсиз қизим билан бу каби тадбирларга қачон келганимни ҳам эслолмайман. Албатта, у ҳам келажақда соғлом она бўлишни истаydi. Аммо ушбу тадбир моҳиятидан англадимки, бу масалага жиддий эътибор беришимиз зарур экан. Шунинг ҳам билдимки, қизларимизни оналикка тайёрлаш борасидаги бизнинг ёшимиздаги кечаги қарашлар бугунги кунга тўғри келмай-

ди. Яшаш тарзимиз, турмуш шароитимиз, экологик ҳолатларнинг ўзгариши, мутахассисларимизнинг айтишича, оддий тўғри оқатлашиш қоидалари ҳам бунга жиддий таъсир ўтказар экан. Яратилган шароитдан фойдаланиб, ҳар бир шифокор қабулида бўлди. Натижалардан кўнглимиз тўлди. Бундай имкониятлар учун барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдирамиз. Буни қарангки, тиббиёт тизимидagi телевизорда кўрган янгиликларимиз билан кўп вақт ўтмай ўз ҳудудимизда амалда танишяпмиз. Шунга кўра, одамларнинг ҳам саломатлигига бўлган эътибори ошмоқда. Маҳалламизда “Саломатлик мактаби” фаоллари бор, уларнинг хизматидан ҳам миннатдоримиз.

Мафтуна РЎЗИМТОВА,
журналист.



ҳомилдорлик даврини яхши ўтказишида акушер-гинеколог мутахассисларнинг ўрни муҳим. Тиббий кўриқлар натижасидан кейинги ақуний ҳулосалар ва керакли тавсиялар айнан ушбу касб эгаларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳўш, жойларда мазкур масалага қай тартибда ёндашилди?

моатчиликнинг вазифаси. Шу боис, давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган ушбу масалага жиддий ёндашган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг кўрсатмасига асосан, туман ҳудудидаги барча тиббиёт муассасаларида “Соғлом аёл ойлиги”

ҳияти ҳудудлардаги тиббиёт муассасаси ходимлари, хусусан, хонадонларга бириктирилган патронаж ҳамширалари ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан иш фаолияти давомида аҳоли ўртасида мунтазам тарғибот ишлари олиб борилди. Тиббий кўриқлар жараёнида амалга оширилаётган ишларни кузатиш

Соғлом аёл ойлиги

Мазкур йўналишдаги тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам кенг кўламда ўтказилди. Тиббий кўриқлар доирасида асосий эътибор вилоятнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли вакилларига қаратилди.

Мавлуда ҲАСАНОВА,
Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошлиғи ўринбосари:

– Жорий йилнинг 17 сентябрдан 20 октябрга қадар ўтказилиши режалаштирилган “Соғлом аёл ойлиги” тадбирларига вилоят миқёсида пухта тайёргарлик кўрилди. Дастлаб, тиббий кўриқлар ва унинг мазмун-моҳияти бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шундан сўнг, ҳудудларга бириктирилган патронаж ҳамшираларига ҳар бир маҳалладаги аёллар ҳамда ўсмир қизларни тиббий кўриқка жалб этиш вазифаси юклатилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари томонидан жойларда чиқилиб, «Соғлом аёл ойлиги»нинг бориши бўйича бир неча бор мониторинг ўтказилди. Мониторинг ҳулосалари асосида айтиш мумкинки, 17 сентябрдан 9 октябрга қадар тиббий кўриқлар доирасида вилоят миқёсида 204 минг нафар аёл тиббий кўриқка жалб қилинган бўлиб, уларнинг 180 минг нафардан зиёд фертил ёшдаги аёллар ташкил қилади. Бундан ташқари, бирламчи скрининг текширувига ҳудудлардаги 17 минг нафар ҳомилдор аёлларнинг 3 минг нафари қамраб олинди. Аниқланган касалликлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, улар ижросининг назорати масъул ходимлар зиммасига юклатилди. Хусусан, сурункали ҳамда

гинекологик хасталиклар аниқланган 30 минг нафар беморга амбулатор, 1 минг 608 нафарига стационар шароитда даволашни учун йўланма берилган бўлса, яна 92 нафар беморга вилоят тиббиёт муассасалари ҳамда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига тавсиялар тақдим этилди.



Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддиларининг таъкидлашича, «Соғлом аёл ойлиги» тадбирларини ташкил этишда ҳудудлар шароитидан келиб чиққан ҳолда аҳоли учун барча зарурий шароитлар яратилган. Соҳа мутахассислари ҳамда тиббий кўрик иштирокчилари ўртасида муносабатлар яхши йўлга қўйилган.

Асқар БАҲРОМОВ,
Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:

– Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун, аввало, тиббиёт ходимининг ўзи соғлом бўлиши лозим. «Соғлом аёл ойлиги» доирасидаги тадбирларга ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор қаратилганлиги боис, биринчи навбатда тиббиёт муассасала-

ри ходимларнинг саломатлигига алоҳида аҳамият бердик. Яъни, тиббий кўрик жараёнларига тиббиёт қоидаларига мос равишда ёндашишга ҳаракат қилдик. Туман ҳудудидаги кўп тармоқли марказий поликлиника ҳудуди ва жойларда ташкил этилган кўриқларга имкон даражасида барча аёллар ва ўсмир қизлар жалб этилди. Тиббиёт муассасалари керакли мутахассислар ва зарурий аппаратлар, лаборатория таҳлиллари учун мўлжалланган асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ушбу тадбирлар кузатувчиси

дейди тиббий кўрик қатнашчиси Муаттар Тўрсунова. – Мана, барча мутахассислар қабулидан ўтдим. Шифокорларнинг муомаласи, аниқланган муаммолар юзасидан бераётган маслаҳат ва зарурий тавсиялари аҳоли учун нақадар муҳимлигини айтмайсизми. Тан олишимиз керак, тиббиётдан бир қадар узоқлашган эканмиз. Бугунги ислохотлар натижасида одамларнинг нафақат тиббиётга нисбатан ишончи мустаҳкамланди, балки саломатлигига бўлган масъулияти орди, тиббий маданияти ошмоқда. Қола-

сифати яхшиланди. Энди аҳолининг ўзи ҳам фаоллашиши керак, деб ҳисоблайман.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Соғлом аёл ойлиги» доирасида тиббий кўрик тарғиботи ва унинг жойларда қай тарзда ташкил этилаётганлигига оид Бухоро соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан бир қанча тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, 26 тадан орттиқ туркум мақола, 20 дан зиёд радио эшиттиришда чиқариш ҳамда махсус телекўрсатувлар тайёрланди. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган йиғилишда “Соғлом аёл ойлиги”нинг бориши, амалга оширилган ишлар, мавҳуд муаммолар муҳокама қилиниб, ҳато ва камчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича зарурий кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, йўл қўйилган камчиликларни барча шаҳар ва туманларда зудлик билан масъуллар иштирокида муҳокама қилиш, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида туққан аёллар рўйхатини шакллантириш, репродуктив саломатлик кўрсаткичлари бўлган туғруқлар, туққан аёлларнинг ёши, туғруқлар ораллиғидаги муддатлар бўйича барча шаҳар ва туманларнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятига тегишли топшириқлар бериб борилди.

Албатта, мазкур жараёнлардан қўзланган мақсад – ҳалқимиз саломатлигини асраш, айниқса, аёллар ва ўсмир қизлар орасида соғломлаштиришга оид профилактика ишларини кучайтириш, бу орқали келажақ авлод вакилларини соғлом бўлиб дунёга келишини таъминлашдан иборат. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳалқимизда шундай нақл бор, эртасини ўйлаган эл кам бўлмайди. Шундай экан, давлатимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, жойлардаги тиббиёт муассасалари ва соҳа ходимлари томонидан узқонни қўзлаб амалга оширилаётган ислохотларда барчамиз фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир.

Саҳифа материалларини муаллифлар иштирокида
Ҳасан АБДУҒАНИЕВ тайёрлади.

(Давоми. Боши
6-бетда).

Сфера здравоохранения

ЛУЧШЕ УЗБЕКИСТАНА НЕТ СТРАНЫ В МИРЕ

В Конституции нашей страны закреплено, что Республика Узбекистан обеспечивает уважительное отношение к языкам, обычаям и традициям наций и народностей, проживающих на ее территории и создает условия для их развития. Основанная на этом принципе политика главы государства стала основным фактором мира, международного и гражданского согласия в обществе.

Государством гарантируется обеспечение прав и интересов всех граждан, независимо от социального происхождения и религии – право на образование, овладение профессиями, укрепление здоровья, раскрытие своих талантов, труд и достойную жизнь. На сегодняшний день в нашей стране в мире и согласии проживают представители более ста тридцати наций и народностей. Они вносят достойный вклад в процветание своей общей Родины – Узбекистана.

– Я испытываю гордость при осознании себя гражданином Узбекистана, счастлива, что родилась и выросла в такой замечательной стране, – говорит стоматолог-терапевт, рабо-

тающая на базе пятой стоматологической поликлиники Юнусабадского района Вера Овчинникова. – Не намерена уезжать на постоянное место жительства в другие страны, считаю, что лучше моей Родины нет страны в мире. Буду и впредь вносить вклад в повышение уровня и качества жизни, сохранение традиций узбекского народа и восстановление его исторического наследия, духовно-нравственное развитие общества.

Стоматолог-терапевт – самая распространенная стоматологическая специальность и преимущественно женская. Она требует кропотливости, четкости и старательности – качества, традиционно присущие представительницам прекрасного пола. Необходи-

мо признать, что В. Овчинникову коллеги ценят как опытного профессионала. Ей доверяют сотни пациентов, ибо в своей работе она максимально стремится сохранить даже самый сильно пораженный зуб. С раннего утра врач ведет первичный прием больных, ставит диагноз, направляет на рентген, лечит, подготавливает полость рта под протезирование.

Сегодня Вера проживает со своей матерью-пенсионеркой Людмилой Овчинниковой, которая многие годы проработала специалистом в сфере электронно-вычислительной техники и компьютерного программирования. А отец Анатолий Михайлович внес достойную лепту в развитие отечественной гидрометеорологии. Мария, 22-летняя дочь, в настоящее время обучается на курсах финансиста в Нью-Йоркском университете. После окончания учебы она твердо решила развивать банковскую сферу республики.

Необходимо отметить, что в



основе международного и гражданского согласия в стране лежит государственная социальная политика, направленная на заботу о простых людях, мир и стабильность, а также великодушие узбекского народа, его высокие нравственные качества, доброжелательность. Общество,

в котором царит атмосфера толерантности, доброты и милосердия, а люди живут с чувством благодарности и удовлетворения, всегда будет процветать, а ее народ – творить и созидать, жить в изобилии и достатке.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фото автора.

Болалар спорти

ЖАВОҲИР СИНДАРОВ – ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЁШ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРИ

Бугун Венгрия пойтахтидан хушxabар келди. Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган "First Saturday GM" халқаро турнирида иктидорли шахматчимиз Жавоҳир Синдаров муваффақиятли иштирок этиб, учинчи гроссмейстерлик талабини бажарди ва 12 ёшида жаҳоннинг энг ёш халқаро гроссмейстерига айланди.



Бундан бир йил олдин Жавоҳир халқаро шахмат устаси унвонига сазовор бўлиб, Президентимизнинг қиммат-

ли совгаларини қўлга киритганди.

Ўтган бир йил ичида Жавоҳир ўз устида тинимсиз ишлаб, жорий йил июнь ойида "Воронеж опен-2018" халқаро мусобақасида биринчи, сентябрь ойида Туркияда ўтказилган 20 ёшгача ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи гроссмейстерлик талабини бажарганди.

Шуниси қувонарлики, Жавоҳир 12 ёш 10 ой 8 кунда гроссмейстерлик унвонини қўлга киритиб, жаҳон шахмат тарихида

С.Корьякидан (12 ёшу 7 ой) кейин иккинчи, шахмат ватани бўлмиш Осиеда эса биринчи – энг ёш шахматчи сифатида ўз номини тарих йилномаларига муҳраб қўйди.

Шу ўринда айнан Осий қитъасида, хусусан, Узбекистонда шахмат йилдан-йилга "яшараётгани"ни таъкидлаш лозим. Ўтган йили яна бир умидли шахматчимиз Нодирбек Абдусаттаров 13 ёшу 1 ойда гроссмейстерлик мақомига эришиб, юртимиз доверугини оламга ёйганди. 2018 йил июнь ойида эса Хиндистонлик ёш шахматчи Рамешбабу Прагнананд 12 ёш 10 ой 13 кунда шундай унвонга сазовор бўлиб, Нодирбекнинг "рекорди"ни янгилаганди. Жавоҳир эса ҳинд тенгдошини 5 кунга ортада қолдириб, жаҳоннинг энг ёш хал-

қаро гроссмейстери деган шаърафли номни яна Узбекистонга қайтарди.

Эслатиб ўтамиз, бу юксак унвонга шахмат бўйича амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсен 13, жаҳон чемпионлари Роберт Фишер 15, Владимир Крамник 16, Гарри Каспаров 17, Анатолий Карпов, Вишанатан Ананд 19, Михаил Таль 21, Тигран Петросян 23, Василий Смыслов 29, Михаил Ботвинник 39 ёшида сазовор бўлишган.

Дунёнинг энг ёш шахматчилари рўйхатининг энг юқори поғонасида юртимизнинг икки вундеркинди – Жавоҳир ва Нодирбекларнинг турганлиги қалбимизга фахр бағишлаши билан бирга яқин йилларда жаҳон шахмат тожининг яна юртимизга қайтишига умид уйғотди.

– Менинг мазкур ютуқни қўлга киритишимда, – дейди Жавоҳир Синдаров, – устозларим Сабохат ва Сирожиддин Зайниддиновлар, Ақром Тошхўжаев, Бобур Саттаров ва халқаро гроссмейстер Марат Жумаевларнинг берган сабоқлари, ота-онам, яқинларим, айниқса, бобом Комил Синдаров, маънавий устозларим Бақриддин Зарипов, Муртоза Раҳматовларнинг қўллаб-қувватлаши, юртимизда спортга яратилган шарт-шароитлар, Президентимизнинг шахматга эътибори асосий омил бўлди.

Жавоҳирнинг жаҳон шахмат аренасида қўлга киритган бу оламшумул ғалабаси билан барча юртдошларимизни муборакбод этамиз.

Ў.А.

МИНГБУЛОҚДА ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА
Фойдаланишга топширилди

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Қолғандарё қишлоғидаги 9-оилавий поликлиника биноси фойдаланишга топширилди.

Энди қишлоқ аҳолиси тез тиббий ёрдамни кўп кутишмайди, қолаверса, клиник таҳлиллар топшириш, шифокорлардан малакали тиббий ёрдам олиш учун туман марказий шифохонасига боришга ҳожат қолмади. Салкам 600 миллион сўм маблағ эвазига "Пардоз таъмир сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томони-

дан собиқ хўжалик идораси ўрнида икки қаватли, мухташам янги оилавий поликлиника фойдалини бошлади.

Тиббиёт маскан очилиши маросимида Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида одамлар турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, тиббий хизмат кўрсатиш си-

фатини юқори даражага кўтариш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шифокорларга одамларни рози қилишга эришиш учун бурч ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда астойдил изланиш зарурлиги айтилди.

Тадбир иштирокчилари оилавий поликлиникада яратилган қўлайликлар билан танишди.

– Худуддаги 5 та маҳаллада истиқомат қилувчи 12 минг нафар аҳолига бирламчи тиббий



хизмат кўрсатамиз, – дейди оилавий поликлиника муддир Анорхон Бегматова. – Янги би-

нода яратилган шарт-шароитлардан жуда мамнунмиз.

Санжарбек ҲАМИДОВ.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана" газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 2318 нусха.
Буюртма Г-1037.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.